



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 28 сентябр

Сотувда эркин нархда № 192 (2230)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

**"Италия ва Ўзбекистон. Истикбол ва тараққиёт".** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири ва Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Италия технологияси ҳафталиги ана шу мавзудаги симпозиум билан бошланди. Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида бўлиб ўтган мазкур симпозиумда Италия саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг илғор компаниялари, давлат идоралари вакиллари ҳамда Ўзбекистонлик тадбиркорлар иштирок этди.

## ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Симпозиумда Италиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллада ва Мухтор элчиси Йоланда Брунетти Готтц хоним сўзга чиқиб, ўзaro иқтисодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйишдан икки давлат ҳам бирдек манфаатдор эканини, Италия Ўзбекистонни иқтисодий имкониятлари юқори бўлган кучли ҳамкор, деб билишини ва ушбу ҳафтада ўтказилган тадбирлар икки томонлама иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

дегацияси раҳбари, Италия Ташқи савдо муассасаси (ICE) Бош директори Джиакино Габутти турли мавзуларни ўз ичига олган семинарларнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида гапирар экан, Италия ишбилармон доираларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан муваффақиятли алоқалар ўрнатишга қизиқиши тобора ошаётганини айтиди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳалар бўйича Италия технологияси дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Маҳаллий мутахассислар Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда италияликларнинг тажрибасига таяниш гоёт фойдаланилиши таъкидламоқда. Ўзaro ҳамкорлик ўрнатиш борасида меҳмонларнинг тақдиф ва мулоҳазалари айнан Ўзбекистон тадбиркорларининг қизиқишларига мосдир.

Шу кунги Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Италиянинг "BNL" банки ҳамда "Симест" компанияси ўртасида ўзaro ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

## «ХОВДАК»ДА ЙОД ВА БРОМ ЗАВОДИ

Жарқўрган туманидаги «Ховдак» йод ва бром ишлаб чиқариш корхонасини қуриш бундан бир йил илгари бошланган эди. Бу ерда дастлаб сиров тарихида кичик йод ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирда туманининг «Ховдак» массивида 2735 метр чуқурликдан 75 градус иссиқликда йод-бром таркибли сув оқиб чиқмоқда.

Текширувлар шуни кўрсатдики, айни «Ховдак»дан 3 тонна йод ва 52 тонна бром моддаси ишлаб чиқариш имконияти бор. Шу боис сиров учун қурилган цехи қайта жиҳозлаб, бром ишлаб чиқариш учун эса янги цех қурилади. Йод ва бром таркибли сувдан дастлаб йод моддаси,

сўнгра бром моддаси олинади. Вилотнинг Жарқўрган туманидаги Какайти массиви (Боботот этаклари) дан ҳам айнига 3,5 тоннага яқин йод, 81 тонна бром ишлаб чиқариш зонаси борлиги аниқланди. Шунингдек, Термиз туманидаги Уч-Қизил массивидан айнига 1,4 тонна йод ва 33,4 тонна бром моддасини олиш зонаси мавжуд. 2000 йилдан эса ушбу зоналарда қудуқлар қуриш мўлжалланмоқда. Қўзланган режалар амалга оширилса, республикада ишлаб чиқарилаётган 20 тонна йоднинг 8 тоннасини Сурхондарё вилотида ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

СУРАТЛАРДА: корхона бошлиғи Қарши Ғаниев ва оператор Аъзам Абдуллаев иш устида; янги қурилган йод ажратиш цехи.



И. ХУҲАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

**Поини ўқларга тузатилган далавларнинг буғунги кўрми, жозбаси, шакл-шамойили ўзгача, бағри дуру жаҳолатга қон пахтазорларда ҳаёт қайнайди. Каттадан-кичикина она заминининг эътибори беҳисоб бойликни йил-сочинга қолдирмай, йилгитириб олиш илҳижда.**

**Айтиш мумкинки, андижонлик пахта устаслари бу йил терминининг биринчи кунларидан сурат отиға қамчи босдилар. Деҳқон қўлига, маҳрига мунтазир бўлиб турган олоқ, лўппи пахта билан хирмонлар тўлад. Ўнлаб бригадалар, хўжалиқларнинг пахтакорлари йиллик режани бажориб, эл-юрт олдига юзларини ёруғ бўлди. Вилотнинг катта хирмони юқалишида кунлиги ўнлаб карвонбошлик қилватган асаканинги заршуносларнинг айримлари ҳақинда хикоя қилиш нияти туғилди бизда.**

**МАРҲАБО**  
— 170 кило терибсан, кам бўлма қизим.  
Бу, торози тепасида турган бригада бошлиғи Ибодатхон опанинг оқши. Марҳабонинг қулдиргичли ширмови юзларига табассум кўнади. Эсига тушилик пайтида зовур қирғондан юлиб-юлиқ олган бир этак ўт-улан тушди. Бу ситгир-бузоқнинг

насибаси. Улар туйиб утламаса сўт-қатиқ қайда...  
Марҳабо уйга кириб келганда қор қорайиб қолган эди. У югуриблаб келган угилларини бағрига босганича юз-қуларидан ўлади. Қайнонаси пиширган овқатдан тоғийди-да хамир қоринга тутинади...  
— Барвақт туришим керак, йўқса машина кетиб қолади, — ўғилчалари ёнига астагина

қабул пункти дарвозаси олдида турнақатор бўлиб навабт қуриб турган принципал тракторларга нигоҳини қалади Хабибулло. — Бутун уйга барвақт-роқ келаман, деб болаларни ишонтиргандим.  
Хабибулло ўз тракторини пахта тўла принципга ақинлаштириб тўхтади. Шаҳд билиш пахта тушди. Уч-туртаси бир бўлиб гурунлашгаётган ҳамкасб-

лари даврасига қўшилди.  
— Бироз туриб қоламиз шекилли-а? — деди. Хамақаблари Хабибуллонинг дасбурустан берган саволига аввал таажжубланиди, кейин бири қўйиб иккинчиси ҳазиллашди:  
— Келин болага ваъда берганмидир?  
— Кеч борсангиз уйга қўймайди, дейман.  
— Унисиям, бунисиям, — қорамтир юзларига қулги ёйилди Хабибуллонинг.  
— Ишимиз ўзи шунақа-да, бирозлар, — тасалли берган бўлади тракторчилар орасида ёши улурроқ ҳисобланган Мирзақобил. — Ҳаво яхши, ҳали

совуқ тушгани йўқ. Пахта бўлса арава-арава бўлиб чиқиб турибди. Эсингиздами, бир пилтлар ноябр-декабрдаям пахта топширадик. Минг азобиман терилган бир этак пахтаи бутун бошли тракторга юклаганча пунктча-пункт тўрт-тўрт қилардик. Бу йилчи? Тамоман бошқача бўляпти. Ун-ун беш кун ичида бор пахтаи йи-

лири бор. Ерни экинга танирлаш, плёнка остига уруғ ташлаш, экинга ишлов бериш сингари гоёт нозик, сермашаққат ишларни ўшлар улдаладилар.  
Хабибулло тракторини юргазганича бўлмай Мирзақобил иккала қафтини оғизига қарнай қилганича, «Сен олдинга ўтавер, навабт бердик», деди. Хабибулло қўлини кўксига қўйганича, «раҳмат» ишорасини қилди. Кейин олдинга ўтиб, тарозиға қўндаланг бўлди...  
У уйига кириб келганида кечки овқат эндиғина дастурхонга олиб келинган эди.  
— Дадам келдилар, — ҳовлини бошига кўтарди болалар.  
Хабибулло беш кунлик яқун бўйича илгорлар қаторида мукофотга олган бир кийим атласни хотинига узатди.

— Қизимизнинг сепига олиб қуй, — деди Хабибулло. — Ҳалол меҳнат билан топилган бойлик тўйларга, яхши кунларга буюрсин.  
...  
Асаканинги 5995 гектар ердан олинмак 20 минг тоннадан ортқ улкан хирмони лағзи ҳалол, орияти баланд деҳқонлар, азамат механизаторларнинг ана шундай мардонвор меҳнати эвазига бунёд этилмақда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

лири бор. Ерни экинга танирлаш, плёнка остига уруғ ташлаш, экинга ишлов бериш сингари гоёт нозик, сермашаққат ишларни ўшлар улдаладилар.  
Хабибулло тракторини юргазганича бўлмай Мирзақобил иккала қафтини оғизига қарнай қилганича, «Сен олдинга ўтавер, навабт бердик», деди. Хабибулло қўлини кўксига қўйганича, «раҳмат» ишорасини қилди. Кейин олдинга ўтиб, тарозиға қўндаланг бўлди...  
У уйига кириб келганида кечки овқат эндиғина дастурхонга олиб келинган эди.  
— Дадам келдилар, — ҳовлини бошига кўтарди болалар.  
Хабибулло беш кунлик яқун бўйича илгорлар қаторида мукофотга олган бир кийим атласни хотинига узатди.

— Қизимизнинг сепига олиб қуй, — деди Хабибулло. — Ҳалол меҳнат билан топилган бойлик тўйларга, яхши кунларга буюрсин.  
...  
Асаканинги 5995 гектар ердан олинмак 20 минг тоннадан ортқ улкан хирмони лағзи ҳалол, орияти баланд деҳқонлар, азамат механизаторларнинг ана шундай мардонвор меҳнати эвазига бунёд этилмақда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



қўзилди Марҳабо.  
Асаканинги «Янги ҳаёт» ширкатлар уюшмасининг И. Йўлшоёва бошлиқ бригадаси пахтакорлари 41 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиб, туманда карвонбошлик қилмоқдалар. Йиллик режа ҳозирнинг ўзидаёқ 120 фоизга етди. Бу юқалишида Марҳабо Зулдунова Саодатхон Мирзаева, Муборакхон Тожибоева сингари жонқуяр термичиларнинг салмоқли ҳиссалари бор.

ШУНҚОРЛАР  
— Уйдаги гапнинг кўчага тўғри келмагани шу-да, — дед

## ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Қирғизистон Хавфсизлик Кенгаши раиси Болот Жоңузқоқоннинг Бишкекда бўлиб ўтган брифингда келтирган маълумотларига қўра, кейинги кунларда ҳукумат қўшинлари билан террорчилар ўртасида янги жанговар туқнашувлар руй бергани йўқ. Ҳукумат қўшинлари мамлакат худудини босқинчилардан тозалаш бўйича режалаштирилган тадбирларни амалга оширмоқда. Унинг таъкидлашича, Боткен туманида ҳозирги пайтда 750 га яқин жангари бор.

Маҳаллий аҳолидан ҳам 4 киши ҳалок бўлган. Қирғизистон ҳукумат қўшинлари босқинчи тулаларни тор-мөр этиш бўйича қатъий чоралар қўришга киришди. Масалан, яқинда Қирғизистон Республикаси ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Чун-Олоё туманида террорчилар жойлашган худуд бомбардировки қилинганда 30 га яқин жангари ҳалок бўлган.

Жангарилар ўзлари эгаллаб олган жойлар аҳолисидан доридармонларни тортиб олишга интиломоқда. Бу эса улар орасида қўллаб яраланганлар борлигидан ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишда қийинчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Қирғизистон бўлинмалари Қўлмажой туманидаги ўз маъқеларини мустаҳкамламоқдалар. Ута муҳим иншоотларни қуриқлаш ташкил этилган. Жанговар ҳаракатлар руй бериётган туманидан маҳаллий аҳоли кўчирилган.

Ф. ЖАМОЛОВ.

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Самарқандда истеъмол бозори масалалари бўйича ҳукумат комиссияси янги йиғилиш бўлиб ўтди. Вилот ҳокими Э.Рўзиев бошқарган ушбу йиғилишда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадаллаштириш, уларнинг савдосини ташкил этиш, экспорт қилиш, бу ишга чет эл сармоядорларини кенгроқ жалб этиш, солақ тушумларини кўпайтириш ҳақида сўз

юритилди.  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов йиғилишда сўзга чиқиб, вилотда маҳсулот ишлаб чиқариш уттан йилга нисбатан анча ортганини таъкидлаш билан, бирга, четта кўпроқ сифатан маҳсулот чиқаришга эришиш зарурлигига эътиборини қаратди.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА муҳбири.

### ЁШЛАРНИНГ ЗАМОНИ КЕЛДИ

Ўзбекистонимизнинг таълим тизимида, дарҳақиқат, тўб ўзгаришлар содир бўлмақда. Мамлакатда бошланган ва тобора чуқурлашаётган таълим соҳасидаги улкан ислохлар янги-янги меъдаларни бераёпти. Шу йилнинг 3 сентябрыда Тошкент Давлат Ислам университети ташкил этилганда очилди. Бу таълимда Юртбошимиз қатнашиб, бу илм даргоҳининг илк қадамларида оқ фотиха бердилар. Ислам университетининг очилиши нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки бутун ислом дунёсида катта воқеа бўлди. Мазкур даргоҳнинг очилиши ислом таълим тизимининг энг прогрессив жиҳатларини кенг ўргатиши ва тарғиб-таълим қилиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу таълимнинг жаҳодат, ҳурфат, бидъатдан тозалашга хизмат қилади. Бу эса, ҳозирги кунда юлдуз муҳим.

### XXI аср сари

Халқимиз бундан яхши тушунади ва шу боиски, Ислам университетининг бунёд қилиниши чексиз мамнуният билан қутиб олади.  
Ислам университетининг очилишидан бир кун олдин пойтахтимизда ёшлар учун яна бир янги билым маскани ўз фаолиятини бошлади. Бу — қурилиш ва коммунал касб-хўнар коллежидир. Унинг очилишида ҳам давлатимиз раҳбари қатнашиб, энг яхши тилак-истакларини изҳор этдилар. Бир журналист сифатида эл қаторида ана шу коллежнинг очилиш тантанасида қатнашдим. Бу коллеж — давримизнинг гузал бир ишшооти. Унинг ён-ёруғ, кенг, замонавий ўқув ускуналари билан безилган дарсхоналари, устахоналари, қишқи ва ёғи спорт майдончалари, гузал ва кенг ҳовли қўлини қувонтиради. Ростки, унда ўқулиниган ёш илгир-қизларга ҳаммаёқ хавфсиз келиди. Маросимда ёнимда турган бир кекса кўрандилардан мамнун бўлиб, мейта фикрини изҳор этди: «Бирозлар, ёшларнинг замони келиди, омон бўлишини, ўсиб-ўйиб, кўкариб юришини». Мен уни тушуниб турардим. Замонга, Ватанимизнинг ҳозирги ривожига халқнинг муносабатини бу олдин, самимий сўзлардан ўтказиб ифодалаш маҳол эди...  
Хуллас, Қадирлар тайёрлаш миллий дастури ва «Талим тўғрисида»ги Қонуни голлари амалда ўз кўрсатмоқда, бирин-кетин ўз самарасини бераёпти.

Чиндан ҳам, ёшларнинг замони келиди. Ёшлиқнинг ўзи бир бахт. Чунки унинг келажаги олдинда. Бунинг устига, инсон ёшлигини мустақил Ўзбекистондан рағбатлантириш, унинг қамолотидан бутун Ватан, бутун халқ, жамият манфаатдор эканлигини давлат сийбаси тўли билан тасдиқлаш, равнақи учун янги-янги имкониятларни яратиш ҳеч замонда бўлмаган. Ўйлаб қурайлик, биринчи синфга борган бола мамлакат раҳбарининг шахсий совғасини ола, энг иқтидорли болалар давлатимиз йўлнамалари билан олис хоржий давлатларга бориб ўқийётган бўлса, халқаро андозлардаги билим ва кўникмаларни берадиган академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари юртимизда юзлаб, минглаб очилаётган бўлса, олий ўқув юртиларида таълим ёшларга энг илгор замонавий билим, малака берадиган даражада тўдан ўзгараётган бўлса, бунинг устига, Ислам университетидан янги таълим йўналишлари дунёга қеладган бўлса... Булар ниянини қўрсатаётми? Ёшларнинг замони келганини эмасми?! Албатта, шундай!

Шу пайтгача иқтидорли болаларни алоҳида зифраклик билан тарбиялаш ҳақида гап бўлганми? Бунинг эшитмаганимиз. Бу эртаскек бир гап эди. Энди бу эртак амалга ошапти. Болаларимиз лицей ва коллежларда, бошқа ўқув юртиларида замонавий, ақилан замонавий таълим имкониятларига муассар бўлаётганлигини айтмаймизми?! Янги бугунги ўқувчилар, талабалар бир неча чет тиллари билан тиллашмоқдалар. Ривожланган хоржий давлатларда мавқуд ва мамлакатимиздаги кириб келадиган янги технологиялар билан қурулган коллежларда таълим олиш, иқтисодий тафаккур, ҳуқуқшунослик бўйича халқаро андозларга мос келадиган таълим берилаётми? Бу ёшларнинг замонаси келганини қўрсатаётми? Ҳақиқатан ҳам, уларга ҳавас қилсанг арзийди.

Энди бизга боғлиқ иккита нарса қолади: биринчидан, ёшлар ўз тақдирини бу улкан ўзгаришларнинг қадрига етмоғи керак. Улар бу имкониятлардан унумли фойдаланишлари зарур. Ёшлик беҳуда ўтмаслиги лозим. Назаримизда, шундай бўляптики, Уш йилнинг ўзида академик лицейлар ва коллежларга кириб ўқишни хоҳловчи ёшларнинг сон-саногини бўлма қелди. Отаналар болалари билан масхалаштириб, энг илгор ўқув масканларини таллашга ҳаракат қилмоқдалар. Бир таълимнинг Жиззах вилотидаги Тошкент шаҳрига қўйиб келди. Сабаби нима, дериш? Сабаби — олдин. Учинчи синфда ўқийдиган ўғилчасини Тошкентдаги академик лицейми, коллежми ёки гимназиялардан биронтасида яхшилаб ўқитай деган ниятда шу йўлни таллабди. Қишлоқ мактаби унинг ўли таълибини қониқтирмади. Таълимнинг галати аҳиддан таажжубланмасак ҳам бўлади. Лицей, коллеж ва гимназиялар ҳозирча таълим ўқув юртилари. Лекин, ҳозирча, бу йил республикада 102 та академик лицей ва касб-хўнар коллежлари бошлаларга ўз эшикларини очди. Лекин 2005 йилга бориб, коллежлар сони 1611 тага, академик лицейлар сони 181 тага етди. Ана шунда ҳамма болаларимиз бу замонавий ўқув масканларида ҳеч истисносиз таълим оладилар.

Аслини олганда, бу муаммо ҳам бўлиб бораёпти. Ҳозирнинг ўзида вилотларда, қўпгина шаҳар ва туман марказларида шундай ўқув марказлари пайдо бўлди. Улар қўлайиб бораёради.  
Иккинчи бир муаммо шуки, давлат аҳамиятига эга бўлган бу ишга жойлардаги ҳокимликлар, қурилиш ва таълим идоралари масъулият билан ёндошмоқлари керак. Ҳозирча шу масъулият ҳис тўғрисида етарли эмасдек. Далилими? Биз юқорида республикада бу йил 102 та лицей ва коллежлар очилганини айтдик. Аммо уларни қабул қилиб оладиган Республика давлат комиссияси фақат тўрттасини энг замонавий талабларга жавоб беради, деб эътироф этди. Қолган ишондоғларда чала ишлар етарли. Уларни давлат комиссияси аралаштириб, энди тўғрилашяпти.

Академик лицей ва коллежлар қурилиши Андижон, Намовий, Бўжоро вилотларида деярли талаб даражасида олиб борилади. Бироқ бошқа вилотларда бу соҳада ишлар қониқарли эмас.  
Лекин академик лицейлар ва касб-хўнар коллежларида таълимнинг талаблар даражасига қўриш борасида анча ишлар қилинди. Масалан, шу йилнинг ўзида таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Улар ҳозир таълим ўқув марказларида синовдан ўтапти. Қелуси йилга эса синов натижалари асосида ўқув дастурлари мукамаллаштирилиб, ҳукумат тасдиғига қўйилди. Кейин мазкур дастурлар асосида дарсликлар, қўлнамалар тайёрланади. Ҳозирги кунда мавқуд дарсликлар ва қўлнамалар — таърибиявий савийда. Улар бўлмак дарслик ва қўлнамаларнинг асосида айланиши мумкин. Барибир, қурилиш масаласи жиддий эътиборни талаб қилади.  
Президентимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида, жумладан, шундай деган эди. «Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарварлари деб билидиган ҳар бир киши бу дастурни (яъни Қадирлар тайёрлаш миллий дастурини — М.С.) амалга оширишга ўз меҳнатини ёки ўз улушини қўлади, деб ишонман!»  
Академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари қурилиши, шундай қилиб, том маънода ватанпарварлик ишидир. Уларнинг қурилишидаги оқсоқликлар ана шу туйғунинг келтирилганини қўрсатади. Ватанпарварликни амалда қўрсатиш пайти келди.

Михли САФАРОВ.

**Тасодифан икки ташкилотнинг суҳбатига гувоҳ бўлиб қолдим. Биро иккинчисидан сўрдим:**

— Сизнинг ташкилотингиз бюджетдан таъминланганими?  
— **Ҳа, шундай.**

— **Ташвиш чекмасангиз бўларкан, ўлмаган бизнинг жонимиз: хўжалик ҳисобиде ишлайми...**

Суҳбатнинг давоми қандай кечди, билмадим. Лекин юқоридаги икки оғиз гап менга қаттиқ таъсир қилди. Қачон эскича фикрлашдан қутуламиз? Ислохотларнинг туб маъно-моҳиятини англаб етмаган ходимлар ҳалиям одамлар тақдирига дахлдор лавозимларда ишлайотибми? Бозор иқтисодиётининг талаби, табиати энди атрофга бошқача қараш лозимлигини тақозо этиди-ку?! Бюджетдан маблағ олувчилар боқиманда қайғида юришиш мумкин, деган тушунчанинг мавжудлигини ўйлаганда одамнинг тепа сочи тикка бўлади. Шундай уй-фикрлар безовта қилиб юрган қушларда матбуотда ҳукуматнинг бир қарори эълон қилинди. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомил-

лаштириш тўғрисида»ги қароридир. Унда 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилажаги баён этилган. Демак, яна бир неча ойдан кейин янги тартибда ишлашга тўғри келади. Бунинг учун бу талаблар нималардан иборат эканлигини чуқур англаш, лўнда қилиб айтганда, янги тартибни жорий этишга ҳар жиҳатдан тайёр бўлиш керак. Афеуски, айрим бюджет ташкилотларининг раҳбарларидан мазкур қарордан қандай хулоса чиқарганидек, уларнинг таъминлаш механизмлари ҳақида сўраганимизда умумий гапларни эшитишга тўғри келди.

Хўш, бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби нима мақсадда татиқ этилади? Қарорда очиқ-ойдин кўрсатилганидек, ушбу янгилик жорий қилинган, бюджет ташкилотлари раҳбарларини маблағлардан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интисомини мустақамлаш борасидаги мустақиллиги кенгайтирилади, масъулияти ошарилади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни таъминлаш механизми соддалаштирилади ва маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имконият яратилади, ходимлар меҳнати рағбат топади, кадрларнинг муқим ўрна-

лаштириш учун шароит туғдирилади.

Маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритилмаган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет пара-

пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Харажатларнинг I гуруҳи (бунга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар,

**Бозор сабоқлари**

лишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Янги тартибга биноан бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлашда янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси дебиторлик

рилаётган ҳомиёлик (бегараз) ёрдами ҳисобига шакллантирилади.

Ушбу жамғармага тушган маблағни қайси мақсадларда ишлатиш мумкин? Янги тартибга биноан бу маблағлар, аввало, мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустақамлаш тадбирларига, ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади. Агар муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарз мавжуд бўлса, ташкилотни ривожлантириш жамғармаси маблағлари тежаб қўлингиз (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзни тўлашга (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш буйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади. Агар кредиторлик қарзи ташкилотнинг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганилиги тўғрисида пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзининг ташкилотни ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

Модомики, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби ташкилот раҳбарларининг масъулиятини оширади экан, харажатлар ижросини назорат қилиш ҳам йўлга

қўйилиши, табиий. Бундан назорат ҳам бюджетдан ажратилмаган харажатларни маблағ билан таъминлаш жараёнида (жорий назорат), ҳам ташкилот тегишли харажатларни қилгандан кейин (кейинчалик назорат қилиш) амалга оширилади. Маблағларнинг сарфланишини, шу жумладан ташкилотни ривожлантириш жамғармаси маблағларини мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий органлари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Давр иқтисодиётимиз оддига янги вазифаларни қўймоқда. Давлат бюджетини ҳисобига таъминланган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмининг такомиллаштиришга, маблағлардан самарали ва аниқ фойдаланишда ҳукуматнинг мазкур қарорини оғишмай амалга ошириш катта аҳамият касб этиши, бозор муносабатларига ўтишда ислохотларимизга жадалик бахш этиши, шубҳасиздир.

**ШУХРАТ ЖАББОРОВ,**  
иқтисодий шарҳловчи.

# ТАЪМИНОТИНГИЗ БЮДЖЕТДАНМИ?

У ҳолда янги тартибни татбиқ этишга тайёргарлик кўринг

метрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чорақлар буйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқарилади ва тасдиқлайди. Мазкур жадвал рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органларига тақдим этилади. Рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти маблағ билан таъминланганидан, бюджет параметрлари тасдиқланган

яъни болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар (киради) ва II гуруҳи (иш ҳақида қўшимчаларга киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Бунда II харажатларининг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади. Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш сметаларига ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажари-

қарзлар кредиторлик қарзлардан ортиқ суммага ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг I январидан ҳолатига қўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиги суммасига қайтарилади.

Айтилайлик, бюджет маблағлари тежаб қўлингиз (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзни тўлашга (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш буйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади. Агар кредиторлик қарзи ташкилотнинг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганилиги тўғрисида пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзининг ташкилотни ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

Модомики, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби ташкилот раҳбарларининг масъулиятини оширади экан, харажатлар ижросини назорат қилиш ҳам йўлга



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

Мамлакатимизнинг бугунги равиоқи ва тараққиётини ўқитувчиларимиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис бу муносабат касб эълани ҳамини ҳурмат-эҳозда. Юртимизнинг фармони билан уларнинг касб байрами умумхалқ байрами сифатида нишонланишида рағбатий маъно бор. Мазкур соҳанинг юксак вақиллари ҳар йили давлатимизнинг юксак мукофотлари, фахри унвонлари ва сазовор бўлмоқда.

Яқинда ташкил қилинган Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори ҳам ўз касбининг ардоқаб келётган ишондан бир. Унинг бевосита савб-харажатлари билан 600 ўрнча муҳажалланган лицей ёнида 300 ўринли ётоқхона ҳам барпо этилди.

СУРАТЛАРДА: академик лицей директори, Ўзбекистон давлат хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Сами Саъдов талаблар дарахсида; ҳар бир дарс жараёни ўта қизиқарли.

**Б. ТўРАЕВ (ЎЗА)** олган суратлар.



ЎЗЛОҢ!

**РЕСПУБЛИКАДА АСПИРАНТУРА ОРКАЛИ ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ, ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА АСПИРАНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КҰМИТАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун 2000 йилги Давлат стипендияларига 3-ўқув йили аспирантлари орасида **ТАНЛОВ ЎТҚАЗАДИ.**

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги 157-сон Қарори билан тасдиқланган Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Низомига асосан ўтказилади.

Фанлар Академияси Президиуми, вазирликлар ва идоралар раҳбарларидан тасарруфларидан илмий муассасалар, олий ўқув юртли ва ташкилотларнинг Илмий кенгашлири қарорлари асосида тайёрланган коллеги таъсисномалари ва аспирантларнинг ҳужжатларини (2 нусхада) Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг талабларига рноя қилган тарада тайёрлаб

1999 йил 1 октябрдан 20 октябргача ЎЗР ФТДГга тақдим этиш сўралади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Сулаймонова номидаги кўча, 29-ў. Телефонлар: 139-16-50; 139-11-93.

## Мустақиллик иншоотлари 500 АЁЛ ИШЛИ БЎЛАДИ

Бир томони пахтазорга, иккинчи томони Шаҳрихон ҳудудидagi Сетагакум қишлоғига туташиб кетган жойда купларнинг ҳавасини келтургучи, кўркам бино қад ростлади. Қишлоқ аёлларининг мушуқли осон бўладиганга ўхшаб қолди. Бу ерда «Антекс» ҳиссалорлик жамияти тўқимачилик мажмуасига кирувчи бош корхонанинг биринчи навбати — йигиртубу фабрикаси фойдаланишга топширилди.

Шуни айтиш керакки, бош корхона барпо этиш учун 26 миллион АҚШ доллари миқдорда капитал маблағ сарфланди. Германия, Италия, Швейцария сингари ривожланган мамлакатлардан замонавий технологик жиҳозлар ва асбоб-уқуналар сотиб олинди. Бу ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатдорлиги бунча жаҳон бозоридан муносиб ўрин олишга имкон берилади, албатта.

Яқин орада корхона тўла қувват билан ишлаб боради. Беш юзга яқин кишлоқ хотин-қизлари ўзларининг муқим иш жойига эга бўладилар. Фабрикада йилга 2700 тонна аъло сифатли калава ип тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Келгусида ип шу ернинг узида тўқилиб, тайёр газлама ҳолига келтирилади.

Йил охирига қадар мажмуанинг тикув ҳамда буюк фабрикаларини ишта тушириш ҳам режалаштирилган.

**О. ШОДНОАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Модомики, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби ташкилот раҳбарларининг масъулиятини оширади экан, харажатлар ижросини назорат қилиш ҳам йўлга

### Тиббиёт

Ўзбекистон Республикасида ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси масалалари ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг икк одамларидан, 1991 йил 18 ноябрда мамлакатимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида биринчилардан бўлиб «Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун ногиронлик муаммосининг ечим, ижтимоий ҳимояси ҳамда уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси борасида республикада амалга ошириладиган барча чора-тадбирларга ҳуқуқий пойдевор ясади.

# БУҒДОЙ СЎЗИНГ ҲАМ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш буйича 1996-2000 йилларга муҳалланган Давлат дастури тўғрисидаги (1995 йил 11 ноябрь) Қарори эса ногиронларнинг тиббий-ижтимоий, касбий реабилитацияси буйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг 5 йиллик йўналишини аниқ белгилаб берди. Ушбу Давлат дастури ҳозирги кунда республикамизда истиқомат қилаётган 700 миңдан ортиқ ногиронларга жамиятда тенг имконият яратиш учун катта омил сифатида хизмат қилмоқда. Шу мақсадда, республикамизда ҳозирда янги бўлган тизим — ҳудудий реабилитация марказлари ташкил этилди. Хуёсан, Тошкент, Андижон, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч, Қарши, Жиззах ва Навоий шаҳрларида очилган реабилитация марказларида бутунги кунда ногиронларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишмоқда. Яқин йилларда барча вилоятларда ҳам мана шундай реабилитация марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

Бу йўналишда кенг қамровли ишларни амалга ошириш учун Ижтимоий таъминот вазирлиги таъминот ногиронлар реабилитацияси буйича махсус тизим яратилди. Ўзбекистон ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-тежирив институтини унинг 150 ўринли касалхонаси негизда республика Миллий реабилитация маркази ташкил этилди.

Бутунги кунда Марказда 6 та илмий ва 6 та клиник бўлим фаолият кўрсатмоқда. Илмий бўлимларда юрак қон-томир, асаб, жарроҳлик, жароҳатлар асорати каби ногиронликка олиб келувчи хасталиклар натижасида ногирон бўлган фуқаролар тиббий-ижтимоий реабилитация йўналишларини ва тиббий меҳнат тажрибаси мезонларини такомиллаштириш каби илмий ишлар бажарилади, клиник бўлим шифокорлари эса ушбу янгиликларни амалда татбиқ қилиш билан машғулдилар.

Марказдаги илмий ишлар республика ва чет эллардаги бир қанча тиббий

илмий-тежирив марказлари билан ҳамкорликда олиб боришмоқда. Яқинда бир гуруҳ олимлар АҚШ, Олмония, Голландия, Исроил, Россия, Беларусь давлатларида ўз малакаларини ошириб қайтидилар. Шунингдек, Ўзбекистонга ушбу давлатлардан мутахассислар тақлиф қилиниб, тажриба алмашилди. Мана шундай ҳамкорлик натижасида голландиялик жарроҳ-ортопед Амос Харрари томонидан 3 нафар ногиронга чанок-сон бугими ўрнатилди. Бутунги кунда бу беморлар ўз оғидида юришдек бахтга муассас бўлдилар. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг кимё полимериари институтини ҳамда «Ортопротез» кичик корхонаси билан ҳамкорликда эса маҳаллий хомашё асосида янги оёқ протези ишлаб чиқарилади.

Марказ жаҳон андозалари даражасидаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Ультратовуш сканерлари, Эхо ва ЭЭГ, «маржонли» ванна, лазер ва магнит билан даволаш хоналари, механик массаж қуштаклари, бугим ва умуртқаларни тортиб даволашда ишлатилувчи тиббий асбоблар яхши самара берадир. Даволаш жисмоний тарбияси билан реабилитация ўтказиш учун тренажерлар зали ва меҳнат терапияси хоналари ҳам беморлар хизматига. Марказда тиббий реабилитациядан ташқари психологик реабилитация ҳам амалга оширилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки Марказ ва унинг вилоятлардаги бўлимлари ногиронларга реабилитация мажмуаларини ташкиллаштириш билангина қифаланмасдан, балки уларнинг меҳнат қобилиятини қай даражада йўқотганини ҳисобга олган ҳолда, шунга яраша ишта жойлаштириш буйича тавсиялар ҳам беради.

Тулик реабилитация мураккаб жараён бўлиб, у шифокордан жуда катта меҳнат билан чидам талаб қилади. Чунки тулик реабилитация ногиронлик гуруҳи олиб ташлаб меҳнатга йўналтирилган деганидир. Қисман реабилитацияда ногиронлик гуруҳи енгиллаштирилади.

Ногироннинг реабилитация бўлишга интилиши, ўз касбига қайтиши ёки бирон бир ижтимоий меҳнат билан шуғулланиб, жамиятнинг тулқонли аъзосига айланиши шифокорнинг ҳам, беморнинг ҳам олий мақсади бўлиши

керек. Бунда нафақат реабилитация маркази шифокорлари, ТМЭК, ижтимоий таъминот, даволаш-профилактик муассасалари ходимлари, балки жойлардаги меҳнат ва бандлик хизмати ходимларининг ҳам роли катта бўлиши талаб этилади. Чунки реабилитация узлуксиз, бир неча жабҳани ўз ичига олувчи, қатор мутахассислар ҳамкорлигида амалга ошириш мураккаб тиббий-ижтимоий жараёнидир.

Бундай муаммони ҳал қилиш йўлларидан бири жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар бир маҳалла гузарларидаги ташкил этилаётган ижтимоий комплекслар ичида ногиронлар учун махсус ишлаб чиқариш цехлари ва иш жойлари ташкил этилишидир. Албатта бу мураккаб ишни маҳалла фаоллари, шу маҳалла еки туман ҳудудига жойлашган турли ишлаб чиқариш корхона ва муассасалар раҳбарлари ёрдамида амалга ошириш қийин. Бунда ишлаб чиқарилаётган моддий бойликларнинг бир қисмини ёки айрим маҳсулотларни шартнома асосида ногиронлар томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ногиронларни турли корхоналар учун зарур бўлган мутахассислик касбларига шу корхоналар билан махсус коллежлар ўртасида тузилган шартномалар асосида тайёрлаш мумкин. Бунинг учун давлат идоралари билан бирга турли жамғармалар, корхоналар ва тадбиркор кишилар ҳам жалб қилинса, янада яхши. Шунингдек, жойлардаги ногиронлик жамияти, «Терновилчилар» ассоциацияси, Афрон уруши қатнашчилари жамияти ҳамда ногиронлар муаммоларига алоқадор ташкилотлар ҳам фаол ва беминнат ёрдам кўрсатишларини истардик. Ана шундангина ногиронлар боқимандалик кайфиятидан қутулиб, ўз муаммоларини ўзлари ҳал қиладиган, жамиятнинг иқтисодиётини мустақамлашга ўз ҳиссасини қўшадиган кишиларга айланади.

**Жамолiddин НАЖИДДИНОВ,**  
Миллий реабилитация маркази бош директори.



